

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ СЕРГЕЙ ЛАВРОВНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Шавкат Мирзиёев

16 январь куни мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Россия Федерацияси ташқи ишлар вазирлиги Сергей Лавровни қабул қилди.

Учрашув аввалида Президентимиз стратегик шериклик ва иттифоқчиликка асосланган икки томонлама муносабатларнинг ривожланиш суръати тобора ортиб бораётганини катта мамнуният билан қайд этди.

Олий даражадаги мулоқот мунтазамлик касб этгани, ўзаро алмашинувлар мисли кўрилмаган даражада фаоллашгани, кўп қиррали ҳамкорлик, аввало, савдо-иқтисодий, инвестиция, энергетика, транспорт-коммуникация, маданий-гуманитар, таълим соҳалари ва бошқа устувор йўналишларда кенгайиб бораётгани шундан далolat беради.

Сергей Лавров самимий қабул учун давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев-

га миннатдорлик билдирди ҳамда Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг самимий саломи ва эзгу тилаларини етказди. Мамлакатларимизнинг ўзаро ҳамкорлиги бугунги даражага эришишида икки давлат раҳбарларининг ҳал қилувчи роли алоҳида қайд этилди.

Учрашувда Ўзбекистон – Россия муносабатларининг долзарб жиҳатлари кўриб чиқилди, халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Жорий йилда ўтказилиши режалаштирилган олий даражадаги учрашувларга тайёргарлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ў.А.

ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Россия Федерацияси ташқи ишлар вазирлиги вазирлиги Сергей Лавров 15-16 январь кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида 16 январь куни Ўзбекистон ва Россия ташқи сийosat маҳкамалари раҳбарлари Абдулазиз Комилов ва Сергей Лавровнинг учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувда Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатлари тобора мустаҳкамланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг дўстона муносабати муҳим аҳамият касб этаётгани таъкидланди.

Мулоқотда бўлажак олий даражадаги тadbirlарга тайёргарликнинг амалий жиҳатлари муҳокама қилинди, халқаро ва минтақавий долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Учрашув сўнггида Ўзбекистон ва Россия Ташқи ишлар вазирликлари ўртасида 2020-2021 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури имзоланди.

Юксак мартабали меймон шу куни Москва давлат халқаро муносабатлар институти Тошкент филиали жамоаси билан ҳам учрашди.

Мазкур олий ўқув юртида таҳсил олган С. Лав-

ров сермазмон ва шарафли йўлни босиб ўтган таълим даргоҳининг собит анъаналари Ўзбекистонда давом этаётганидан гоъят мамнунигини изҳор қилди.

Бугунги кунда юртимизда Россия Федерациясининг 8 та олий ўқув юрти филиали очилган. Йил сайин ривожланиб бораётган ўзаро муносабатлар негизда таълим соҳасидаги ҳамкорликни юқори чўққиларга олиб чиқиш имконияти мавжуд.

Сергей Лавров мазкур филиалда ўқийётган талабалар олган билим ва кўникмаларидан фойдаланиб, келгусида Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти, жумладан, Россия билан дипломатик муносабатларини янада мустаҳкамлашга ҳисса қўшишига ишонч билдирди.

Бўлғуси дипломат-талабалар, профессор-ўқитувчилар, ОАВ ходимлари билан қизгин мулоқот қилди, уларнинг саволларига батафсил жавоб қайтарди.

Ғ. ХОННАЗАРОВ,
Ў.А. мухбири.

БУГУНГИ СОНДА:



Кичик ГЭСлар катта мақсадларга хизмат қилади

2



Ахборот-кутубхона маркази очилди



Фарғона вилояти Данғара тумани марказида 150 ўринга эга, замонавий ахборот-кутубхона ўз фаолиятини бошлади.

Президентимизнинг 2019 йил 12-13 июнь кунлари Фарғона вилоятига ташрифлари чоғида берган топшириқларига асосан бунёд этилган, 3 қаватдан иборат, 32 мингдан ортиқ китоб фондига эга китобсеварлар учун муносиб туҳфа бўлди.

– 72 ёшдаман, китоб эса бир умрлик ҳамроҳим, – дейди нафақадаги кутубхоначи Жамилаҳон Эҳсонова. – Туманимизда янги кутубхона очилганлигини эшитиб келдим. Бу ердаги шароитларни кўриб, кўз қувонади.

Ахборот-кутубхона марказида 14 нафар мутахассис 2 ярим мингдан зиёд китобхонларга хизмат кўрсатмоқда.

– Иш вақтини икки сменада ташкил этдик, – дейди марказ раҳбари Сайёра Холмирзаева. – Бу ерда ўқув зали, интернет ресурслар зали, барча фан соҳаларига доир китоблар, илмий-оммабоп, ижтимоий-сиёсий, бадий адабиётлар, кичик ёшдаги китобхонлар учун адабиётлар мавжуд. Бундан ташқари имконияти чекланган фойдаланувчиларга ҳам алоҳида шарт-шароитлар яратилган. Улар учун махсус китоб мебель жиҳозлари, курсилар, компьютердан фойдаланишлари учун махсус ўринлар яратилган.

Қувонарлиси, бугун ахборот-кутубхона маркази тумандаги етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган аҳолига зиё ва маърифат улашмоқда.

Суратларда: Данғара туманида фаолият бошлаган ахборот-кутубхонада.

Муқимжон ҚОДИРОВ (Ў.А.) олган суратлар.

Термизда 3 та боғча фойдаланишга топширилди

3



Обод манзиллар, кўркам турар жойларга сармоялар

4

Қуёш фотоэлектрик станцияси иш бошлади

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети гелиополигонда 3 кВт қувватдаги Қуёш фотоэлектрик станциясининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Мазкур лойиҳа Жанубий Кореянинг Корея энергетика агентлиги, WEEnergy, Hanbek Construction Co., Ltd компаниялари ва Ўзбекистондаги Қуёш энергияси халқаро институти ҳамкорлигида амалга оширилди.

Дастлаб меҳмонлар Қорақалпоқ давлат университети ректори қабулида бўлди. Учрашувда икки томонлама ҳамкорлик истиқболлари муҳокама қилинди.

Қўннинг иккинчи ярмида стан-

циянинг расмий очилиш маросими ўтказилди. Тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ўринбосари Ж.Ембергенов, Жанубий Кореянинг «Hanbek Construction Co., Ltd» компанияси директори Ин Сеунг Рюль ва бошқалар мамлакатларимиз ўртасида турли соҳаларда, шу жумладан, олий таълим соҳасида амалга оширилаётган ҳамкорликка тўхтади.

Таъкидланганидек, Жанубий Ко-

рея узоқ йиллик тарихий мероси, қадриятлари, маънавияти билан жаҳон илм-фанида етакчилардан саналади. Узоқ ўтмишга назар ташласак, мамлакатларимиз ўртасидаги дипломатик муносабатларни, илм-фан тажриба алмашинувини, савдо-соттиқлар тизимини Буюк ипак йўли боғлаб турган. Ҳозирда Жанубий Корея мамлакатини Қуёш энергияси билан фойдаланиш борасида йирик лойиҳаларни амалга оширмоқда. Хусусан, қуёш энергиясини электр энергиясига ўзгартирувчи яримўтказгичли қуёш элементлари, қуёш сув иситиш коллекторлари ва турли хил энергетик мақсадлар учун

мўлжалланган қуёш қурилмалар кўплаб мамлакатларга экспорт қилинмоқда.

Бугунги ҳаётимизни, иқтисодиёт тармоқлари фаолиятини электр энергиясиз тасаввур қилиб бўлмайди. Сўнгги йилларда унга бўлган эҳтиёж йилдан-йилга ортиб бормоқда. Айни шу жиҳат эса эндиликда соҳага инновацион технологияларни кенгроқ жорий этиш орқали уни янада тараққий эттириш билан бирга, табиий газ, нефть, кўмир каби углеводород хом ашё ресурсларини тежашни ҳам таъқозо қилмоқда.

(Давоми 2-бетда)



ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРИ - АМАЛДА

Кичик ГЭСлар катта мақсадларга хизмат қилади

Бир неча йил олдин вилоят ҳокимлигида ўтаётган йиғилишда Ўзбек-Хитой қўшма корхоналаридан бирининг раҳбари ўрнидан туриб, йиғлаб юборгудек алфозда, ўзбекча-русчани таталаб: «Гаспадин ҳақим, биз корхонани тухтатади, юртимизга кайтиб кетади. Бу ерда ишлаб бўлмади, ҳар куни 5-6 марта электр учади. Энди станокни юргизади, электр учади, энди станокни юргизади электр учади. Рабочий смена тугайди. Станоклар ишдан чиқади, капитал куяди, что за беспредел не панимаю...» деб шикоят қилгани эсимда.



Дарҳақиқат, электр энергияси ишлаб чиқариш ва таъминотида собиқ иттифоқ давридаги ҳар жиҳатдан эскириб, демография, фан-техника тараққиёти билан боғлиқ талаб ва эҳтиёжларга жавоб бера олмай қолган тизимдан халқимиз кўп йиллар азият чекиб, иқтисодий ривожланишимиз оқсаб юргани ҳам сир эмас.

Шу боисдан мамлакатимизда кейинги йилларда тараққиёт ва ундан қўзланган олий мақсад халқимизнинг фаровон ҳаётини таъминлашнинг энг муҳим омиллардан бири бўлган электр энергетикаси соҳасини ривожлантиришга иқтисодий стратегиянинг устувор йўналиши сифатида катта эътибор қаратилмоқда. Бу давлатимиз раҳбарининг тегишли қарорлари асосида республикамизнинг айрим вилоятларида иссиқлик электр станцияси, гидроэлектр станциялар қуриш, мавжудларини модернизация қилиш борасида амалга оширилётган лойиҳаларда ҳам ўз ифодасини топмоқда.

Жумладан, Наманган вилоятида лойиҳа қиймати қарийб 1 миллиард 200 миллион долларлик, 900 мегаватт электр энергияси ишлаб чиқариш қувватига эга Тўрақўрғон иссиқлик электр станцияси қуриб фойдаланишга топширилди ва бугунги кунда мазкур иншоотда ишлаб чиқарилаётган электр энергияси истеъмолчиларга узлуксиз етказиб берилмоқда. Шунингдек, бу соҳада экология, тежамкор маҳсулдорлик нуқтаи назаридан қайта тикланувчи муқобил энергия манбалари бўйича йирик лойиҳалар устида изчил иш олиб борилмоқда.

Президентимизнинг 2017 йил 2 майдаги «2017-2021 йилларда гидроэнергетикани янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бу борада янги босқични бошлаб берди. Зеро, унда сув ресурсларидан оқилон ва самарали фойдаланиш, қайта тикланадиган энергия манбаларини, янги экологик тоза ишлаб чиқиш қувватларини ташкил этиш, мавжуд гид-

роэлектростанцияларни модернизация қилиш, илғор хорижий тажрибани изчил ўзлаштиришни ҳисобга олган сув ресурсларини самарали бошқариш, энергетика ресурсларининг мутаносиблигини ошириш асосида корхоналар, аҳолининг электр энергияга бўлган эҳтиёжини янада тўлроқ қондиришининг долзарб вазифалари белгилаб берилди.

Мазкур ҳужжат асосида «Ўзбек-гидроэнерго» АЖ тизимида янги гидроэлектростанциялар қуриш ва ишлаб турганларини модернизация қилиш бўйича тасдиқланган инвестиция лойиҳалари рўйхатига кўра Катта Фарғона каналининг Наманган вилояти Учқўрғон тумани худудидан ўтган қисмида барпо этилган Кичик гидроэлектростанция (ГЭС)лар каскади эса лойиҳадан амалга кўчган бўёдорлик самараси сифатида бугун электр энергияси истеъмолчиларига хизмат қилмоқда.

— Бугун дунёда ёнилғи-энергетика ресурслари катта муаммага айлана бораётган бугунги кунда мазкур иншоотнинг барпо этилишини катта ижтимоий, иқтисодий, жоиз бўлса, сиёсий аҳамиятга эга деб баҳоланса, муволафа бўлмади, — деб таъкидлаган эди вилоят ҳокими Х.Бозоров мазкур гидроэлектростанциянинг очилишига бағишланган тантанали тадбирда. — Бундан роппа-роса саксон йил муқаддам қуриб битказилган Катта Фарғона каналдан қарийб бир аср мобайнида қанча сув оқиб ўтганини тасаввур қилиш қийин. Олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ, дейилганидек, биз бу каналдан фақат суғориш ва ичимлик суви манбаи сифатидагина фойдаланиб келдик. Президентимизнинг ташаббуси билан бу борадаги турғунликдан чиқиш вақти келди ва биз мазкур ГЭС мисолида бунга ишонч ҳосил қилиб турибмиз. Учқўрғон худудидан катта-кичик 8 та дарё ва каналлар ўтган, уларда ўнлаб шундай лойиҳаларни амалга ошираемиз ва беминнат, ёқилга, ёнилғи талаб қилмайдиган энергетика манбалари ҳисобига вилоятимизни янада обод ва фаровон қилаемиз.

Ҳар бири 6 МВт, умумий қуввати 12 МВтга тенг қувватга эга иккита кичик ГЭСдан иборат каскад Катта Фарғона каналининг ПК 142 то ПК 184 худудидан барпо этилди. Иншоот йилга 72,89 миллион кВт.соат электр токи ишлаб чиқаради. Бу эса Учқўрғон туманида-

ги 48 минг хонадонни узлуксиз экологик тоза ва қайта тикланувчи электр энергияси билан таъминлаш имконини беради.

Техник-иқтисодий асослари «Гидропроект» АЖ томонидан ишлаб чиқилган лойиҳанинг умумий қиймати 31 миллион доллар бўлиб, шундан 22,3 миллион доллари «Ўзгидроэнерго», қолган қисми эса Хитой Халқ Республикасининг «Эксимбанк»и томонидан молиялаштирилди.

Кичик ГЭСлар каскадининг 2017 йил июнь ойда бош пудратчи «To'ralang hpd building» унитар корхонаси томонидан бошланган қурилиш ишлари жараёнида нисбатан жуда қисқа вақт ичида катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилди. Шунингдек, монтаж ва сошлаш ишларида «Андижон ГЭС», «Фарғона автомат расчет», «Махсус Гидро Энерго Монтаж», «Андижон Гидро Энерго Монтаж», «Эсан», «Ўзбекгидроэнергоқурилиш» корхоналари иштирок этди.

Жараёнга жалб этилган 52 та маҳсул ва йирик техника воситалари ёрдамида 793 минг м тупроқ, 57,6 минг м бетон ишлари бажарилди. Иншоот қурилишига 1 минг 776 тонна арматура, 20,4 тонна композит арматура, 293 тонна металл конструкция сарфланди.

Кичик ГЭСларга «Junda», «Huaxin», «ТВЕА», «Hanzhong», «ТВЕА», «PEARL», «Pinggao», «Sieyuan», «Arteche», «Sieyuan», «Jinguan», «Fushun» сингари дунё компаниялари томонидан ишлаб чиқилган механик ва электротехник асбоб-ускуналар ўрнатилди. ГЭСнинг энг муҳим элементи бўлган 4 та гидротурбина «Dongfang Electric Corporation» компанияси томонидан тайёрлаб берилди.

— Бугунги кунда кунига 140 мегаватт электр энергияси ишлаб чиқарилиб, истеъмолчиларга етказиб берилмоқда, — дейди Катта Фарғона канали Кичик ГЭСлар каскади унитар корхонаси директори А.Қамоллов. — Бу умумий қувватнинг 50 фоизини ташкил қилади. Қорадарёнинг Куйганёр плотиносида олиб борилётган реконструкция ишлари муносабати билан каскад ҳозирча ярим қувват билан ишлаб турибди. Реконструкция ишлар тугаллангач, лойиҳа бўйича тўлиқ қувват билан ишлашга утилади.

Акрамжон САТТОРОВ,
ЎЗА мухбири.


Қуёш фотоэлектрик станцияси иш бошлади



(Давоми. Боши 1-бетда)

Ҳозирги вақтда давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан мамлакатимиз иқтисодиётида амалга оширилаётган янгиликлар ва ўзгаришлар сановат тармоқларига «яшил иқтисодиёт» тизимини жорий қилиш, инновацион тараққиётни жадаллаштириш, табиий ресурслардан оқилон

нинг энергетика, электроэнергетика, электротехника, электромеханика ва электр технологиялари, метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти таълим йўналишларида кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Ҳозирда ушбу йўналишларда бакалавр босқичида 700 дан ортиқ талаба таҳсил олмақда.



фойдаланиш имконини бермоқда. Жумладан, Навоий вилоятида Бирлашган Араб Амирлигининг Масдар компанияси томонидан 100 МВт қувватда Қуёш фотоэлектрик станциясини, Бухоро вилоятида 200 МВт ва Қорақалпоғистон Республикасида 100 МВт шамол электростанцияларини лойиҳалаш ва қуриш кўзда тутилмоқда.

Бугунги кунда Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетини-

Жанубий корейлик мутахассислар билан ҳамкорликда ишга туширилган Қуёш фотоэлектрик станцияси ҳамда замонавий русумда жиҳозланган лаборатория талабалар назарий билимларининг амалиёт билан узвийлигини таъминлаш, ёш тадқиқотчилар учун тадқиқот объекти вазифасини ўтайди.

Довуд АБИБУЛЛАЕВ,
ЎЗА мухбири.

Болаликдаги орзулар рўёби

Бугунги кунда ёшларнинг билим олишлари, ўзи севган касб ва ҳунарларни муқаммал эгаллашлари учун ҳукуратимиз томонидан катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, уларнинг бир қатор хорижий мамлакатлардаги нуфузли олий таълим муассасаларида малака ошириб келишларига шарт-шароитлар яратилмоқдаки, бунинг самарасида улар жамиятимизнинг барча соҳаларини ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқдалар. Тошкент архитектура-қурилиш институти ўқитувчиси Дилдора Бегматова ҳам ана шундай иқтидорли ёшлардан.



— Сиз истиқлолга тенгдошсиз. Бунинг устига не-не буюк олим фузалолар, халқимизнинг забардаст ва закий алломаларимиз тугилган гўша, «Шарқ гавҳари» дея эътироф этилувчи Самарқандда тугилгансиз. Ушбу заминдаги бетакорр обидалар эса барчамизнинг қалбимизни фахру ғурурга тўлдирди. Шундай эмасми?

— Маълумотларга кўра, бугунги кунда Самарқандда 73 та йирик тарихий-меъморий ёдгорлик мавжуд. Регистон, Шоҳи Зинда ансамбллари, Амир Темури мақбараси, Улуғбек расадхонаси, Бибиноним жоме масжиди шулар сирасига киради. Бу ёдгорликлар ўзининг гўзаллиги ва қадимийлиги билан инсон эътиборини ўзига тартади. Самарқандга ҳар йили дунёнинг турли мамлакатларидан минглаб сайёҳлар келиб кетади. Ҳозирги кунда юртимизда ички ва ташқи туризмни ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётган бир пайтда соҳага етук малакали кадрларни етказиб бериш устувор аҳамият касб этади. Биламизки, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива каби тарихий шаҳарларимизга бугун дунёдан сайёҳлар ташриф буюради. Шу билан бирга, мамлакатимизнинг турли чеккаларидан маҳаллий аҳоли вакиллари келиб тарихий обидаларни томоша қилиб, мақбараларни зиёрат қилиб кел-



тишмоқда. Бу эса инсониятнинг айнан тарих билан юзма-юз бўлишга, қадимий ва бетакорр бўлган ноёб ёдгорликларни қўришга қизиқишни юқориликдан дарак беради.

— 2019 йилда Новосибирскда бўлиб малака ошириб келдингиз. Сафар таассуротлари билан ўртоқлашсангиз...

— «Эл-юрт умиди» жамғармаси томонидан таъсис этилган танловдан муваффақиятли ўтгани мен учун илм олиш йўлида янада кенгроқ имконият эшикларини очди. Маълумотларга кўра, танловга 5 мингдан ортиқ иқтидор соҳибларидан ҳужжат топширилган, улардан 500 нафарини ўқитувчилар ташкил этиши ва уларнинг сафида менинг ҳам номим қайд этилганини билиб жуда хурсанд бўлдим. 2019 йилнинг октябрь-ноябрь ойларида Россиянинг исталган шаҳрида айнан архитектура соҳасида ма-

лака ошириш дастурининг стипендианти бўлдим. Жамғарма барча молиявий ҳаражатларни ўз зиммасига олди.

— Танлаш ҳуқуқидан фойдаланган ҳолда қайси шаҳарда малака оширишни маъқул кўрддингиз?

— Архитектура соҳаси ривожланган Новосибирскка боришни мақсад қилдим. Албатта, бу шаҳарга бориш доирасида кўпгина илмий лойиҳалар билан у ерлик ҳамкасбларимиз билан тажриба ва фикр алмашишга муваффақ бўлдим. Новосибирск Давлат архитектура-қурилиш университетининг ўқитиш жараёнини ўрганиш ва тажриба орттириш малака ошириш ишнинг баш мавзуси бўлди. Сафар чоғида нафақат билим олдим, балки архитектура йўналишида Россиянинг олий ўқув юрларида йўлга қўйилган таълим тизими, хусусан қурилиш, архитектура,

ландшафт ва дизайн йўналишларида талабаларнинг билим олиш жараёнига ҳам бевосита гувох бўлдим. Ўқитувчиларнинг таълим бериш методикалари билан яқиндан танишдим. Албатта, у ерда олган билимларимни мамлакатимизнинг айнан архитектура соҳасини ривожлантиришда кенг қўллашга ҳаракат қилишман. Малака ошириш жараёнида у ердаги олий таълим муассасаларининг ўқув илмий методикалари билан яқиндан танишишга ҳаракат қилиб, кўплаб халқаро анжуман ва семинарларда иштирок этиш бораберида маҳорат сабоқларида ҳам қатнашдим.

— Меъморчилик санъати инсондан ижодкорликни, юксак билим ва салоҳиятни, бугунги шиддаткор замон талабларидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, замонавий бўлишни талаб этади. Шу маънода сиз архитектура соҳаси мутахассиси сифатида қайси жиҳатларга эътибор қаратиш ва ривожлантириш лозим деб ҳисоблайсиз?

— Болалик йилларимдан оқиб гўзал бинолар, чиройли масканларни томоша қилишга ҳавасманд бўлганман. Самарқанднинг ана шундай бетакорр тарихий ёдгорликларини менинг меъморчилик соҳасига бўлган қизиқишларимни пайдо қилган бўлса ажаб эмас. Мактабни аъло баҳоларга битириб, 2008 йил Самарқанд Давлат архитектура ва қурилиш институтига ўқишга кирдим. 2009 йил эса «Меъмор-2009» Республика кўрик-танловида Ў ўринни эгалладим. Бу эса менга илм чўққиларини эгаллашда янги имконият эшикларини очди. 2011 йилда Беруний номида Давлат стипендиаси совриндори бўлганим эса менинг мақсадларимни

янада ойдинлаштирди. Бу мукофот менга катта масъулият ва ишонч ифодаси сифатида қалбимни ҳаяжон ва ғурурга тўлдирди. 2013 йилда мамлакатимиз миқёсида турли йўналишларда изланиб, ўзининг илғор ғоя ва ташаббусларини илгари сураётган истеъдодли ёшлар иштирокида ўтказилган «Юрт келажаги» Республика кўрик-танловида фаол қатнашиб, «Архитектура ва дизайн» номинацияси бўйича қолибликни қўлга киритдим. 2013 йил менинг ҳаётимда туб бурилиш ясади. Тошкент архитектура-қурилиш институтининг магистратура йўналишида таҳсил олишни бошладим. Абу Райҳон Беруний номидаги Давлат стипендиаси соҳиб бўлганим сабабли ушбу олий таълим йўналишига мени давлат гранти асосида ўқишга қабул қилишди.

2015 йил Хабаровск шаҳрида ўтказилган «The 15th International forum»New ideas of New century» International competition of graduation projects» диплом лойиҳалар конкурсида Ў ўринни эгалладим. 2015 йилдан Тошкент архитектура-қурилиш институтининг Архитектуравий лойиҳалаш кафедрасида ўқитувчи сифатида ўз меҳнат фаолиятини олиб бораман. Албатта ютуқларга эришишим замирида устозларимнинг, институт раҳбариятининг мендек ёшларни қўллаб-қувватлашга қаратилган юксак эътибори мужассам. Уларнинг кўрсатган йўл-йўриқлари асосида илм чўққиларини забот этиб, илмий ва амалий салоҳиятимизни оқсалтиришда давом этишимиз.

«O'zbekiston bunyodkori» мухбири
Наргиза МИРҚУБОВА
сўхбатлашди.



Термизда 3 та боғча фойдаланишга топширилди

Сурхондарё вилояти Термиз шаҳрида 3 та мактабгача таълим муассасаси фойдаланишга топширилди.

Шаҳардаги 1-сонли мактабгача таълим муассасаси 2019 йилги Инвестиция дастури асосида 3 миллиард 78 миллион сўм эвазига мукамил реконструкция қилинди. Янги йилда болажонларга ўз бағрини очган мазкур муассаса 125 ўринга мўлжалланган.

табгача таълим муассасасининг умумий лойиҳа қиймати эса 3 миллиард 60 миллион сўмни ташкил этди. 100 ўринли мазкур муассасани бунёд этиш учун давлат томонидан 2 миллиард сўм миқдорда имтиёзли кредит ажратилди.

Лойиҳа қиймати 1 миллиард 480 миллион сўм бўлган «Erkatoy kids» номли яна

бир нодавлат мактабгача таълим муассасаси 50 нафар кичкинтойга кучоқ очди. Бу ерда кичкинтойларни ҳар томонлама соғлом қилиб тарбиялаш учун барча шароит муҳайё.

Суратларда: Термиз шаҳрида 3 та мактабгача таълим ташкилоты фойдаланишга топширилди.

Жонибек ҚЎЗИМУРДОВ (ЎЗА) олган суратлар.

Чекка ҳудуд аҳолиси учун туҳфа

Фарғона вилоятида «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурига кўра 44 та мактабгача таълим муассасалари бутунлай янги қиёфага кирди.

2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада ривожлантириш Дастури доирасида муайян амалий ишлар бажарилмоқда. Хусусан, Фарғона туманида ҳам сўнгги йилларда унга яқин янги давлат ва нодавлат мактабгача таълим муассасалари иш бошлади. Мазкур масканларда болажонларнинг



таълим-тарбия олиши учун барча шароит яратилган бўлиб, улар замонавий юмшоқ мебель ҳамда ўйинчоқлар билан тўлиқ таъминланди. Эндиликда бу масканларда тарбияланувчилар инглиз ва рус тилларини бемалол ўрганишлари мумкин.

Яқинда тумандаги «Кончилар» маҳалла фуқаролар йиғинида 10-сонли давлат мактабгача таълим ташкилоти бутунлай қайта таъмирланиб, фойдаланишга топширилди. 280 ўринли замонавий боғчанинг қурилиш ишларига 4 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарф этилди.

Суратларда: Фарғона туманида 10-мактабгача таълим муассасаси фойдаланишга топширилди.

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎЗА) олган суратлар.

Янги лойиҳалар амалда

Кейинги йилларда мамлакатимизда иқтисодий тарққийетига хизмат қилувчи кўплаб йирик лойиҳалар амалиётга самарали татбиқ этилиб, улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда.

Юртимиз бўйлаб, замонавий, кўркამ бино ва иншоотлар, бир-бирдан шинам кўп қаватли уйлар қурилмоқда. Албатта, бу каби бунёдкорликларни амалга оширишда сифатли ва жаҳон стандартларига тўла жавоб берувчи, экспортбоп қурилиш материалларига бўлган талаб ортади.

Шу боис, республикамизда кўплаб турдаги қурилиш маҳсулотларини ишлаб чиқариш, бу борада янги қувватларни ишга туширишга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимизда сифатли қурилиш материалларини ишлаб чиқариш, бу борадаги эҳтиёжни тўлақонли қондириш, ушбу йўналишда йирик лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида Президентимизнинг «Қурилиш материаллари саноатини тубдан такомиллаштириш ва комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси ташкил этилди.

Унга кўра, соҳага оид барча йўналишлар, режалар белгилаб берилди. Ушбу вазифалардан келиб чиқиб уюшма томонидан Тошкент вилоятида қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи янги қувватларни йўлга қўйиш, лойиҳаларни амалга ошириш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси томонидан 2018-2021 йилларда Тошкент вилоятида қурилиш материаллари саноатини ривожлантириш бўйича умумий қиймати 1 млрд АҚШ долларига тенг бўлган лойиҳалар рўйхати ишлаб чиқилди. Шунга асосан, 49 та лойиҳани вилоятнинг Ангрэн, Олмалик, Янгийўл, Бекобод, Юқори Чирчиқ, Оҳангарон каби туман ва шаҳарларида амалга оширилиши белгилаб олинди. Бу лойиҳаларни амалиётга татбиқ этишда хорижий ҳамкорлар, инвесторлар жалб қилинди. Олиб борилган саяёҳатлар натижасида 2018-2019 йиллар давомида жами қиймати 201 млн 200 минг АҚШ долларига тенг бўлган 16 та лойиҳа ҳаётга татбиқ этилди. Эътиборга молик жиҳати шундаки, мазкур ишларга 47 млн 900 минг

АҚШ доллари миқдоридagi чет эл инвестицияси ва 56 млн 800 минг АҚШ доллари хорижий кредит лийниси жалб этилди.

Таҳлилларга кўра, 2018 йилда Тошкент вилоятида жами 10 та лойиҳа амалга оширилган бўлса, 2019 йилда темир-бетон, металл-конструкция, профнастил ва алюмин профиллар, пардозбоп пишиқ ғишт, пластик қувурлар, гранит бордорлар ва керамик плиткалар ишлаб чиқариш бўйича 10 дан ортиқ лойиҳа амалга оширилган. Эътиборли жиҳати шуки, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар хорижий компаниялар билан ҳамкорликда ташкил этилмоқда. Бундай қурилиш материаллари ишлаб чиқариш объектларининг аксариятини Хитой, Туркия, Италия, Германия, Россия каби чет мамлакатлар билан ҳамкорликда фаолият олиб бораётган кўшма корхоналар ташкил этди.

Ангрэнда ҳам ҳозирда Италия Хитой, Туркия компаниялари билан биргаликда ташкил этилган корхоналарда 100 турдаги қурилиш материаллари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Тумандаги «National Ceramics» МЧЖ кўшма корхонаси халқаро талабларга жавоб берувчи сирланган керамагранит ҳамда керамик плиткалар билан нафақат юртимиз бозорларида қолаверса, дунё бозориди ҳам ўз харидорини топиб улгурди.

«Хозирги кунда «National Ceramics» МЧЖ кўшма корхонаси ўрта Осиёдаги халқаро талабларга жавоб берувчи сирланган керамагранит ҳамда керамик плиткалар ишлаб чиқараётган етакчи компаниялардан бири бўлиб, унинг йиллик қуввати 4 500 минг м²ни ташкил этади, — дейди корхона бўлим бошлиғи Абдуқодир Мўминов. — Корхонада бозор талабига биноан турли ҳажмдаги хилма-хил рангда пол ва деворга мўлжалланган керамик плиталар ишлаб чиқарилмоқда. Кўшма корхона ўз олдида маҳсулот турини кўпайтириш эвазига янги ишчи кўрагини яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлашнинг асосий мақсад қилиб қўйган. Чет эл инвестициялари, Италия компаниясининг юқори самара-

ли, энг янги асбоб-ускуналари ва замонавий технологиялари, минтақанинг ривожланган транспорт инфратузилмаси ҳамда маҳаллий хошмашдан кенг фойдаланиш натижасида маҳсулот ишлаб чиқариш, ушбу кўшма корхонани Марказий Осиё минтақасида етакчи ўринлардан бирини эгаллашига имкон яратади. Таъкидлаш керакки, мамлакатимиз ҳудудида керамик кошинлар ишлаб чиқариш технологиясида қўлланиладиган хошмашнинг барча турлари мавжуд. Тажрибали мутахассислар ва сифатли хошмаш эса маҳсулотнинг жаҳон стандартларига жавоб бериши ва рақобатбардос бўлишини таъминлайди.

Эътиборлиси, сирланган керамагранит ҳамда керамик плиткаларни ишлаб чиқаришда маҳаллий хошмашдан кенг фойдаланилмоқда. 2019 йилда корхонада 1 310 минг м² лик 32,9 млрд сўмлик керамик плиталар ишлаб чиқарилган бўлиб, шундан 691 минг АҚШ долларлик маҳсулотлар экспорт этилган.

«Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси томонидан 2019 йилда Ангрэн ЭИЗда амалга оширилган йирик лойиҳаларнинг бири «Vita Ceramics» МЧЖ ҚК негизига «Керамик плиталар ишлаб чиқариш» лойиҳасидир. Унинг умумий қиймати 2,4 млн долларни ташкил этади. Хитой давлати билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур корхонанинг йиллик қуввати 270 минг м²ни ташкил этиб, 99 нафар иш ўрни яратилган. Айтиш жоизки, ушбу корхонада санитар-техник буюмлар ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилган. Бир йилда 165 минг донда бундай маҳсулот тури ишлаб чиқарилмоқда. Бу орқали корхонада 55 нафар фуқаро доимий меҳнат фаолиятига жалб этилди. Жорий йил якунига қадар ушбу корхонада маҳсулотлар тури ва ҳажмини ортириш, янги иш ўринлари яратиш ва замонавий технологияларни харид қилиш режалаштирилган.

Айтиш жоизки, қурилиш материалларини ишлаб чиқаришга замонавий технологияларнинг кенг жорий этилиши маҳаллий бозорни ҳамёнбоп, сифатли маҳсулот билан таъминлаш билан бирга ўзбек брендини жаҳон бозориди ҳам ўз ўрнини топишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Наргиза ХАЙРУЛЛАЕВА, «O'zbekiston bunyodkori» муҳбири.

«Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Сирдарё вилояти филиали

тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш йўли билан ташкил этиладиган савдоларга таклиф этади!

Савдога «Ўзбекистон почтаси» АЖ Сирдарё филиалининг 2019 йил 27 декабрдаги 36-23/1107-сонли буюртманомаси ва унга илова қилинган ҳужжатларга асосан қуйидаги кўчмас мулк филиал томонидан тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш йўли билан ташкил этиладиган савдоларга қўйилмоқда:

Сирдарё вилояти, Ширин шаҳри, «Бунёдкор» маҳалласи ҳудудида жойлашган умумий ер майдони – 1 020,72 квадрат метр, қурилиш майдони – 661,75 квадрат метр ва фойдали майдони – 498,07 квадрат метр бўлган идора биноси. Бошланғич баҳоси – 451 380 000 сўм.

Тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш йўли билан ташкил этиладиган савдолар шартлари:

тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш йўли билан ташкил этиладиган савдолар ғолиби мулкнинг сотилиш баҳосидан 10 фоиз миқдоридидаги маблағни савдо ўтказилгандан сўнг бунақ пули сифатида 3 (уч) банк иш кунидан кечиктирмасдан тўлаши лозим, қолган қисмини олди-сотди шартномаси асосида 2 (икки) йилдан кўп бўлмаган муддатда тўлаши шарт,

объектлар 2 (икки) йилдан кўп бўлмаган муддатга сотилган тақдирда, сотиб олиш тўловларини бир йўла ёки сотиб олиш суммасининг қолдигиға фоизалар ҳисобланмасдан, бўлиб-бўлиб тўлашни, шунингдек, сотиб олиш тўловлари тўлиқ тўлангунга қадар объектни тасарруф этиш ҳуқуқисиз ва учинчи шахсларга гаровга (ипотекага) қўйиш ҳуқуқисиз амалга оширилади;

тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш йўли билан ташкил этиладиган савдолар ғолиби савдо натижалари тўғрисидаги баённома расмийлаштирилган кундан бошлаб 10 (ўн) кун муддат ичида сотувчи билан объект олди-сотди шартномасини имзолаши шарт;

ҳужжатларни расмийлаштиришдаги тўловлар, савдо ташкилотчисига тўланадиган комиссия тўловлар ҳамда ўзага келадиган бошқа барча харажатлар харидор маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Юқоридаги объект сотилиши юзасидан музокаралар хабарнома матбуотда эълон қилинган санадан бошлаб, расмий иш кунлари соат 10.00 дан

16.00 га қадар ўтказилади. Талабгорлардан акцент аризаларни қабул қилиш дастлабки акцент аризаси берилган кун соат 16.00 да тўхтатилади.

Мазкур объект бўйича музокараларда иштирок этиш бир кунда икки ва ундан ортиқ талабгорлардан акцент аризаларни тақдим этилганда, сотувчи – мулк эгаси томонидан ўз акцент аризасида энг юқори нархни энг қисқа муддатда тўлашни таклиф этган талабгорни ғолиб, деб толади.

Талабгорлар савдо ташкилотчисига қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда тақдим этади:

– **юридик шахслар** – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, ваколатли вакил учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда;

– **жисмоний шахслар** – паспорт нусхаси, ваколатли вакил учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда.

– тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш йўли билан ташкил этиладиган савдолар тўғрисидаги хабарномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат пули тўланганини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжати нусхаси ва сотиб олиш тўловларининг таклиф этилаётган суммаси ва уларни тўлаш муддати.

Талабгорлар савдо ташкилотчисига билан закалат пули тўғрисидаги келишувни имзолагандан сўнг мулк бошланғич баҳосининг 1 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Сирдарё вилояти филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020 8000 9049 2060 9006 АТ «Асака» банки Сирдарё филиали МФО 00373 СТИР 207 122 519.

Маълумотларни олиш ва акцент аризаларни топшириш учун манзил: Гулистон шаҳри, «Бизнес маркази» биноси, 2-қават, 2-хона.
Тел.: (67) 226-38-91.
Расмий веб-сайт: www.1kms.uz

Хизматлар лицензияланган.
RR-0001 рақамли лицензия.

«Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Сирдарё вилояти филиали

бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибидида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога «Агробанк» АТБ Ховос филиалининг 2020 йил 7 январдаги 2020/07-сонли буюртманомаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар тўпламига асосан қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

Сирдарё вилояти, Ховос тумани, «Қахрамон» ҚФЙ, Қахрамон кўрғонидида жойлашган маъмурий бино ва бошқа бино иншоотлари қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 160 366 000 сўм.

Савдо 2020 йил 17 февраль кун соат 12.00 дан бошлаб Гулистон шаҳри, «Бизнес маркази» биноси мажлислар залида бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик).

Аризаларни қабул қилишининг охириги мuddати: 2020 йил 14 февраль кун соат 18.00 гача.

Юқоридаги кўчмас мулклар 2020 йил 17 февраль кун соатилмаган тақдирда, такрорий савдо кўчмас мулклар сотилгунга қадар ҳар ҳафтанинг душанба кунлари соат 12.00 дан бошлаб бўлиб ўтади.

Такрорий савдо учун аризаларни қабул қилиш аукцион ўтказилиши белгиланган кундан бир иш кун олдин, соат 18.00 да тўхтатилади.

Кўчмас мулклар билан «Агробанк» АТБ Ховос филиали вакили иштирокида бевосита жойларга чиқиб танишиш мумкин.
Тел.: (97) 565-21-66, (97) 277-02-58.

Савдо ғолиби аукцион ўтказилган кундан бошлаб 10 (ўн) кун ичида олди-сотди шартномасини тузиш ва сотувчи томонидан белгиланган шартлар асосида тўловни амалга ошириш лозим.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Сирдарё вилояти филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020 8000 9049 2060 9006 АТ «Асака» банки Сирдарё филиали МФО 00373 СТИР 207 122 519.

Хизматлар лицензияланган.
RR-0001 рақамли лицензия.

«Qashqadaryo kim oshdi savdo» МЧЖ

очик аукцион савдоларига таклиф этади!

2020 йил 17 февраль кун соат 11.00 дан бошлаб Қарши шаҳар 4-митти туман ҳудудида жойлашган жамият офиси биносидида аукцион комиссияси иштирокида объектнинг бошланғич баҳосини ошириш тартибидида ўтказиладиган очик аукцион савдосига ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Қашқадарё вилояти бўлимига қарашли қуйидаги автотранспорт воситаси қўйилади:

2004 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 70 435 КАА бўлган, техник ҳолати но-соз Нексия русумли автомашини. Бошланғич баҳоси – 5 600 000 сўм.

Аризаларни қабул қилиш 14 февраль кун соат 13.00 да тўхтатилади.

Очик аукцион савдосида қатнашиш учун

аризалар эълон чиққан кундан бошлаб, ҳар кун соат (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача «Qashqadaryo kim oshdi savdo» МЧЖ офиси биноси (Қарши шаҳар, 4-митти туман, мўлжал: «Парвина» кафефининг ўнг ёнида) қабул қилинади.

Савдо ғолиби 10 (ўн) кун ичида олди-сотди шартномасини тузиши ва мулк қийматини олди-сотди шартномасида кўрсатилган муддат ичида тўлаб бериши шарт.


Савдоларда қатнашиш учун талабгорлар «Закалат пули тўғрисида»ги келишувга асосан савдога қўйилган мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорда закалат пули тўланганини тасдиқловчи ҳужжат, жисмоний шахслар учун паспорт нусхаси, юридик шахслар учун

корхона устави, рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси ҳамда ваколатли шахс номига берилган ишончнома тақдим қилишлари шарт.

Кўрсатилган ахборот-масхалат хизматлари учун қўшимча равишда энг кам ойлик иш ҳақининг икки баробари миқдоридида ҳақ олинад.

Закалат пулини тўлаш учун реквизитлар: «Qashqadaryo kim oshdi savdo» МЧЖ, АТИБ «Ипотека банк» Қашқадарё вилояти филиали МФО 00190 ҳисоб рақами 2020 8000 5043 9626 6001 СТИР 205 560 394.

Манзил: Қарши шаҳри, 4-митти туман. Мўлжал: «Парвина» кафеси ёнида.
Телефон: 95 505-08-99
1665 рақамли гувоҳнома.



ОБОД МАНЗИЛЛАР, КЎРКАМ ТУРАР ЖОЙЛАРГА САРМОЯЛАР

Уй-жой аҳолининг энг муҳим ҳаётий эҳтиёжлари сирасига киради. Шу боис унга бўлган талаб ҳар доим юқори. Юртимизда арзон ва сифатли турар жойлар қуриш кўлами йил сайин кенгайтириляётгани эса аҳолининг барча қатламига ўз уйи – Ватан ичра кичик ватанига эга бўлиш имконини бермоқда.

Дарҳақиқат, 2009-2019 йилларда республикамизда намунавий лойиҳалар асосида 123 мингдан ортиқ уй-жойлар қурилиб, ўз соҳибларига топширилди. Уларнинг 80 мингдан ортиги «Қишлоқ қурилиш банк» АТБ томонидан молиялаштирилган эътиборга моликдир. Аниқроғи, банк томонидан охириги 10 йилда қурилиш ишларига 16 трлн 690 млрд сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилган бўлиб, шунинг 11 трлн 939 млрд сўми банкнинг имтиёзли ипотека кредитлари улушига тўғри келади.

Мазкур молия муассасаси қишлоқ аҳолиси ҳаётини тубдан ўзгартиришга қаратилган «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини ривожлантириш» лойиҳаси доирасида халқаро молия институтлари билан кенг ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бунинг самараси уларок, Осиё тараққиёт банкнинг 575 млн АҚШ доллари, Ислоом тараққиёт банкнинг 400 млн АҚШ доллари билан Саудия тараққиёт банкнинг 110 млн АҚШ доллари миқдоридagi кредит линиялари жалб қилинди. Бу эса лойиҳаларни ўз вақтида молиялаштирилиши, уй-жойларни белгиланган муддатларда фойдаланишга топширилишида қўл келмоқда.

2019 йилда қанча арзон уй-жойлар қурилди?

Президентимизнинг 2018 йил 24 ноябрдаги «Қишлоқ жойларда ва фуқароларнинг айрим тоифалари учун арзон уй-жойлар қурилиши кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, 2019 йилда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида 15 минг 10 та арзон уй-жой ва хонадонлар қурилиши белгиланган эди. Шундан 11 минг 70 таси уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож бўлган оилаларга, 658 таси алоҳида намуна кўрсатаётган илғор ёш оилаларга, 1 минг 272 таси оғир ижтимоий вазият

га тушиб қолган аёлларга ва 2 минг 30 таси фуқароларнинг алоҳида тоифалари учун ажратилиши кўзда тутилган.

Ҳўш, мазкур ҳужжатнинг ижроси қай даражада таъминланди? Бу жараёнда «Қишлоқ қурилиш банк»нинг иштироки қандай бўлмоқда?

Айтиш жоизки, қарорга биноан, 2019 йил Дастури доирасида қуриляётган уй-жойларни молиялаштириш тижорат банклари ўртасида тақсимланган бўлиб, унга кўра, 6 минг 508 та арзон уй-жой «Қишлоқ қурилиш банк»нинг молиявий кўмагида қурилиши кўзда тутилган. Шундан келиб чиқиб, мазкур лойиҳалар Осиё тараққиёт банки ҳамда Ислоом тараққиёт банки маблағлари ҳисобидан молиялаштирилмоқда. Аниқроғи, шу йилнинг ўтган 11 ойи давомида 2 минг 183 та уй-жой учун Осиё тараққиёт банкнинг 37,6 млн АҚШ доллари, 4 минг 325 таси учун Ислоом тараққиёт банкнинг 80,0 млн АҚШ доллари жалб қилинди.

Бундан ташқари, арзон уй-жойлар қурилишига фуқароларнинг бошланғич бадал маблағлари ҳисобидан 105,6 млрд сўм, халқаро молия институтларининг «Қишлоқ қурилиш банк»ига ажратган кредит линияси ҳисобидан 1 триллион 44,3 млрд сўм йўналтирилди.

Эҳтиёжманд аҳолини уй-жой билан таъминлаш, бундай лойиҳаларни молиялаштириш ҳақида гап кетганда, «Ўзбекистон Республикасининг қишлоқ жойларда энергиясамарадор уй-жойлар қурилишини ривожлантиришга кўмаклашиш» қўшма лойиҳаси ҳақида ҳам алоҳида тўхталиш жоиз. Негаки, Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, БМТ Тараққиёт дастури ва Глобал экологик жамғарма ҳамкорлигида ҳаётга татбиқ қилинаётган ушбу лойиҳа доирасида 2019-2021 йилларда 3,0 миллион АҚШ доллари миқдорида мақсадли грантлар ажратилиши кўзда тутилган.

Харажатлар грант маблағлари ҳисобидан қопланади

«Яшил ипотека» ҳақида эшитдингизми? Бу атама уй-жой эгасига энергия тежаш ва иссиқхона газлари эмиссиясини камайтиришни таъминловчи қурилмалар ва материалларни сотиб олиш, содда қилиб айтганда, уйни қайта жиҳозлаш учун қўшимча маблағ олишга имкон берадиган молиялаштириш мабрасини аналтади.



Қувонарлиси, бундай молиявий хизматлар бизга ҳам кириб келди. Яъни 2019 йилда «Қишлоқ қурилиш банк» иштирокида тажриба тариқасида 800 та энергиятежамкор уй барпо этилмоқда. Уларнинг нархи бошқаларига нисбатан 7 фоизгача юқори бўлиши мумкин. Аммо энергия сарфини 25,1 фоизгача камайтириш имконини беради. Чунки улар электр тармоғидан мустақил равишда ишончли электр билан таъминланади.

Шу ўринда айтиш жоизки, энергиятежамкор уй нархига қўшилаётган қўшимча харажатлар уй-жой эгасининг ҳисобидан эмас, балки қўшма лойиҳа доирасида ажратилаётган грант маблағлари ҳисобидан қопланади. Хусусан, жорий йилда «Ўзбекистон

Республикасининг қишлоқ жойларда энергиясамарадор уй-жойлар қурилишини ривожлантиришга кўмаклашиш» қўшма лойиҳаси асосида 1,0 млн АҚШ доллари миқдоридаги грант маблағлари жалб қилиниб, 800 та арзон уй-жойнинг энергия самарадорлигини ошириш буйича қўшимча харажатларни қоплашга йўналтирилди.

Энергиятежамкор уйларида ташқи девор, шифт ва пойдеворнинг иссиқлик изоляциясини ўз ичига олган энергия тежовчи ечимлар қўлланилмоқда. Шунингдек, иситтиқларда термостатик жўмрак ва иссиқлик рефлекторларидан фойдаланиляпти. Зеро, қўшма



лоийҳадан кўзланган мақсад Ўзбекистонда тез ривожланаётган қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши дастурини иссиқхона газлари эмиссиясини камайтиришга имкон берадиган барқарор ривожланишга йўналтиришдир.

Уй-жой қурилишидаги янги тартибнинг афзалликлари кўп

Хабарингиз бор, 2020 йилдан бошлаб, уй-жой қурилишида янги тартиб жорий этилмоқда. Унинг афзалликлари борми? Амалиётга татбиқ қилинаётган бу янгилик турар жой оломқичи бўлган оилаларни қийнаб қўймайди-



ми? Шу каби саволлар кўпчиликни қизиқтираётгани аниқ.

Аввало, шунга айтиш жоизки, амалдаги механизм тўлиқ бекор бўлгани йўқ. Президентимизнинг 2019 йил 28 ноябрдаги «Ипотека кредити механизмининг такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида мувофиқ, 2020 йилда қишлоқ жойларда жами 12 мингта хонадон қурилиши кўзда тутилган бўлса, шундан 8 мингтаси амалдаги механизм буйича қурилади. Яъни «Қишлоқ қурилиш инвест» МЧЖ инжиниринг компанияси иштирокида аҳолининг бошланғич бадаллари, Осиё тараққиёт банки, Ислоом тараққиёт банки ва Давлат бюджетни маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Қолган 4000 та уй-жой Андижон, Бухоро, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё ва Фарғона вилоятларида янги тартиб асосида тадбиркорлик субъектлари (пудрат қурилиш ташкилотлари) томонидан ўз маблағлари, тижорат банклари билан олинган кредитлар ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Маълумот учун айтиш жоизки, «Қишлоқ қурилиш инвест» компанияси иштирокида қуриладиган турар жойларнинг 4 минг 559 таси уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож бўлган оилаларга, 1 минг 486 таси меҳнат мигрантларига, 329 таси алоҳида намуна кўрсатаётган илғор ёш оилаларга, 636 таси оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган аёлларга ва 990 таси фуқароларнинг алоҳида тоифалари учун берилди.

Уй-жой қурилишида жорий этиляётган янги тартиб ҳақида гап кетганда, айтиш мумкинки, унинг афзалликлари кўп. Масалан, эндиликда тижорат банклари томонидан ипотека кредитлари бозор тамойиллари асосида

ажратилади. Бунда, айрим шахслар, шу жумладан, кам таъминланган ва уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган оилаларга кредит фоизининг 10 фоизидан ошган қисмини қоплаш учун беш йил давомида Давлат бюджетидан субсидия ажратилади. Бу янгилик келгуси йилда тадбиркорлик субъектлари томонидан қуриладиган уй-жойлардан 2400 тасига қўлланилиши мўлжалланмоқда.

Яна бир эътиборга молик жиҳат, кредитдан фойдаланиш даврида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасини пайсга қайтариш тақдирда кредит фоизи камайтирилади, аммо оширилган тақдирда ўзгартиришсиз қолади. Бу ҳам аҳоли учун катта энгилликдир. Бундан ташқари, талабдорлар уй-жойни ўзи истаган ҳудуддан, мақбул қаватдан танлаб, сифати ва қулайликларига қараб, олиши мумкин. Ипотека кредити уй-жойлар қурилиши молиялаштириш учун эмас, балки уй-жой қурилиши тўлиқ тугалланганидан сўнг, уни сотиб олиш учун ажратилади. Уни қайси банкдан олиш эса миқдорнинг ўзига ҳавола.

Умуман олганда, «Қишлоқ қурилиш банк» ҳар иккала механизм буйича ҳам уй-жой сотиб оломқичи бўлган аҳолига молиявий мададор бўлишга доим тайёр. Зеро, давлатимиз раҳбарининг «2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар буйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, амалга ошириляётган Давлат дастурлари ижросида фаол иштирок этиш, ўзининг молиявий зимматлари билан аҳоли, айниқса, қишлоқ аҳолининг турмуш даражасини кўтаришга муносиб ҳисса қўлиш мазкур банк фаолиятининг энг устувор йўналишларидан бирига айланган.

Шухрат ОРИПОВ.

Ўз уйинг бўлса, хотиржам хизмат қиласан

Ватанимиз сарҳадларининг дахлсизлигини таъминлаш, тинчлик ва осойишталикни сақлашдек шарафли вазифани сидқидилдан бажариб келаётган ҳарбий хизматчиларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш, оилавий шароитларини яхшилашга қаратиляётган эътибор бурчга садоқат ҳамда ватанпарварлик ҳиссини янада оширишга хизмат қилмоқда.



Қашқадарё вилоятида жорий йилнинг илк кунларидаёқ 124 нафар соҳа фидойисига уй берилди.

Қарши шаҳрининг Мустақиллик маҳалласида бунёд этилган ҳарбийлар шаҳарчасида 60 хонадондан иборат 2 та 5 қаватли уй қуриб битказилди. Янги турар жойларни ўз эгаларига топшириш маросими қўшалоқ байрамга, катта тантангага айланди. Унда иштирок этганлар Ўзбекистон Қуролли Кучларида босқичма-босқич амалга ошириляётган ислохотлар, шаклланган миллий армиянинг салоҳияти, ҳарбий хизматчиларга кўрсатиляётган эътиборни алоҳида эътироф этди.

Хонадон эгаларига уйларнинг қалитлари тантанали равишда топширилди. Янги уйларга эга бўлган оилаларнинг ҳар бир аъзоси юз-кўзида кўтаринкилик, фахр-ифтихор, чуқур миннатдорлик фуриб турибди.

Ўткир Курбанов Ватан ҳимоясини шарафли бурч деб билган ўғлонлардан бири. Асли Қашқадарё вилояти, Яққабўғ туманида туғилиб, вояга етган бу аскар йигит айна пайтда Фарғона вилоятидаги ҳарбий қисмлардан бирида хизмат қилади. Ўз бурчини садоқат билан адо этаётган ўғлон «Намунали хизматлари учун» кўкрак нишони билан тақдирланган. 18 йилдан буён оиласи, 3 нафар фарзанди билан ижарада яшаб келган ҳарбий хизматчи Қарши шаҳридан замонавий уй-жойнинг берилиши қутлимган тухфа бўлди. Бугун улар барча қулайликка эга бўлган 2 хонали шинам уйга кўчиб кирди.

– Бугун оила аъзоларимиз билан жуда бахтиёримиз, – дейди Ўткир Курбановнинг турмуш ўртоғи Маҳкамтош Муродова. – Шунча йилдан буён ижарама-ижара юриб, кўп қийинчиликларни бошимиздан ўтказдик. Ўз уйи бўлгани қандай яхши. Фарзандларим ҳам жуда хурсанд.

Оиласи, фарзандлари билан хизмат қилаётган ҳудудда ёнма-ён яшаш имконияти ҳарбий хизматчиларни янада руҳлантириши баробарида ўз бурчига садоқатни, Ватанига меҳру муҳаббатини кучайтиради. Айниқса, узоқ муддатли ипотека кредити асосида берилляётган ушбу уйларнинг бошланғич тўлови Мудофаа вазирлиги томонидан тўлаб берилляётгани ҳарбий хизматчиларга кўрсатиляётган ғамхўрликнинг яна бир ёрқин ифодаси бўлди.

Шу кун Қарши шаҳрида 4 қаватли, 64 хонадондан иборат хизмат уйлари ҳам фойдаланишга топширилди. Ойдин маҳалласида қад ростлаган бу айта Ўзбекистон Республикаси Олий ҳарбий авиация билим юртида фаолият юритаётган ҳарбий хизматчилар истиқомат қилади. Тошкент шаҳрилик 29 ёшли майор Элнур Эгамов 12 йилдан буён Ўзбекистон Қуролли Кучлари тизимида фаолият кўрсатади. 2 йилдан буён оиласи, 2 нафар фарзанди билан ижарада яшаб келаётган эди. Бугун бу оила ҳам ўз уйига эга бўлди. Энди кўнгли хотиржам.

– Ҳарбий хизматчиларга яратиб берилляётган имкониятлардан жуда мамнунман, – дейди майор Элнур Эгамов. – Соҳада фаолият юрита-

ётган кўплаб хизматдошларим қаторида бугун менга ҳам янги квартира қалити топширилди. Ўз уйинг бўлса, хотиржам хизмат қиласан. Бундан бошимиз кўкка етди. Ватанимизга садоқат билан хизмат қилишга доим шайимиз.

Янги уйларда уй бекалари учун барча шароит яратилган. Бундай ғамхўрлик хизматни намунали, сидқидилдан, аъло даражада адо этишда муҳим аҳамият касб этади.

– Кенг ва ёруғ, шинам квартирамизда ҳамма шароитлар бор экан, – дейди Элнур Эгамовнинг турмуш ўртоғи Гулноза Эгамова ўЗА муҳбири Улмас Баратовга. – Айниқса, уй бекалари учун яратилган қулайликлардан кўз қувнайдими. Фарзандларимизнинг таълим-тарбия олиши учун боғча ва мактаб ҳам яқин экан. Хуллас, бугундан ҳаётимизда яна бир янги саҳифа очилди. Бундан бағоятда миннатдоримиз.

Дарҳақиқат, ушбу маҳаллада «Темурийлар» номли нодавлат мактабгача таълим ташкилотининг бунёд этилиши ҳарбий хизматчилар учун катта қулайлик яратди. Тадбиркор Шерзод Яхшиев ташаббуси билан қад ростлаган 100 ўринли боғча ҳарбий оилаларга байрам тухфаси бўлди. Тарбия маскани ишга тушиши муносабати билан 25 та янги иш ўрни яратилди. Тарбия масканида муסיқа зали, ошхона, бадий гимнастика, ўзбек кенг санъатига ихтисослаштирилган спорт заллари мавжуд. Рус, инглиз, корейс тиллари тўғрақлари фаолияти йўлга қўйилган. Бу болажонларнинг интеллектуал салоҳияти, кенг дунёқарашли бўлиб вояга етишида муҳим аҳамият касб этади.

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
Строитель Узбекистана

Газета «Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.

Бош директор – Дилшод Жалолов

Тахрир хайъати:
Ботир Закиров (Тахрир хайъати раиси),
Козим Тулганов, Эркин Искандаров, Ботир Зарипов,
Юлдаш Мағрупов, Жамшид Исмаилов,
Ғолибжон Маджидов, Қудратбек Хошимбеков.

Тахририят:
Бош муҳаррир
Саҳифаловчи
Мусаҳҳих

Дилшод Жалолов
Ақчал Махкамов
Райхон Таниқуллова

«Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ муассислари:
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги,
«Узсановатқурилишматериаллари» уюшмаси,
«Узгашклипти» ДУК, «УзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК,
«Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ,
«УзгеорангметЛИТИ» ДУК.

Тахририят манзили:
100011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй.
Телефонлар: 71-244-21-71 (жаблонча), 71-244-05-15 (котибейта),
71-244-15-13 (тахририят), 71-244-22-10 (бухталтерия),
71-244-40-68 (реклама ва обуна бўлими).
E-mail: uzbyudokori@umail.uz

Вилоят муҳбирлари телефон рақамлари:
Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари бўйича: 90-278-95-87.
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти бўйича: 97-459-74-85.
Самарқанд вилояти бўйича: 95-560-30-45.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида DB74-рақам билан рўйхатга олинган.
Навр индекси – 466. Буюртма – Г-153.
1933 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган.
Баҳоси келишилган нарҳда. ISSN 2181-8762.

Тахририятга келган кўлемзалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтариқмайди.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарк» нашриёт-маъбада акциядорлик компанияси масъул.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри, «Буёқ Турон» кўчаси, 41.

Навбатчи муҳаррир – Д. Жалолов.
Навбатчи – Б. Гулямов.
ЎЗА яқини – 22.45. Топширилди – 23.45.